


6-20-2019

## LITERARY-AESTHETIC POSITIONS IN EPISTOLAR SOURCES

Gulnoz Khallieva Khallieva Doctor of philological sciences, associate professor  
*UzSWLU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Khallieva, Gulnoz Khallieva Doctor of philological sciences, associate professor (2019) "LITERARY-AESTHETIC POSITIONS IN EPISTOLAR SOURCES," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 19.  
DOI: 10.36078/987654342  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss2/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Гулноз Халлиева

ЎзДЖТУ профессори, филология фанлари  
доктори

### ЭПИСТОЛЯР МАНБАЛАРИДА АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАР

#### АННОТАЦИЯ

Архивлардаги илмий ёзишмалар рус шарқшунослигининг ажралмас қисмидир. Рус олимларининг бир-бирига ёзган номалари улар илмий фаолиятининг узвий бир қисми сифатида ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилиши, яратилажак асарлар, шу давр илмий-адабий муҳити ҳақида ноёб маълумотларни беради. Эпистоляр манбалар орқали фикр алмашув, баҳо, тақриз, танқид, адабий-эстетик қарашлар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш, ҳатто илмий жамоатчиликка номаълум янгиликлардан хабар топиш мумкин. Бу борада А.Н.Самойлович, В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, В.Гордлевский, Н.Остроумов, А.А.Семенов ва бошқа олимларнинг илмий мулоқотлари алоҳида диққатга сазовордир. Масаланинг бу томони ўзбек адабиётшунослигида ҳали тадқиқ қилинмаганлигини ҳисобга олсак, эпистоляр манбаларни ўрганиш фан тарихини янги фактлар билан бойитади, олимларнинг илмий биографиясини янада равшанроқ ёритади. Ушбу мақолада академик А.Н.Самойловичнинг архивлардаги илмий ёзишмалари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** архив, эпистоляр манба, А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, ўзбек адабиёти, Бобур, “Хоразмнома”, Сўфи Оллоёр, “Қутадғу билик”, хрестоматия.

## Gulnoz Khallieva

Doctor of philological sciences, associate professor,  
UzSWLU

### LITERARY-AESTHETIC POSITIONS IN EPISTOLAR SOURCES

#### ABSTRACT

Scientific correspondence in archives is an integral part of Russian Oriental studies. The names of Russian scientists complement each other with unique information about the study of the Uzbek classical literature, the creation of works, the scientific and literary environment of this period as an integral part of their scientific activities. Through epistolary sources one can get an idea about the exchange of opinions, reviews, criticism, literary and aesthetic views. In this regard, the scientific dialogue between A. Samoylovich, V. Barthold, I. Yu. Krachkovsky, V. Gordlevsky, N. Ostroumov, A. Semenov and other scientists are noteworthy. Considering that this aspect of the matter has not yet been studied in the Uzbek literature, the study of epistolary sources enriches the history of science with new facts and reveals more information the scientific biography of scientists. The article discusses the scientific correspondence of Academician A.N. Samoylovich in archives.

**Key words:** archive, epistolary sources, A. Samoilovich, V. Barthold, I. Y. Krachkovsky, Uzbek literature, Babur, “Khorezmnom”, Sufi Allayar, Kutadgu Bilig, **chrestomathy** (reader).

## **КИРИШ**

А.Н.Самойлович (1880–1938) серқирра ижод соҳиби, В.Радлов, П.М.Мелиоранский каби туркология мактабининг муносиб вакилларида биридир. Олимнинг бизгача етиб келган илмий-адабий мероси унинг ҳам адабиётшунос, тилшунос, матншунос, ҳам педагог, ташкилотчи, раҳбар сифатида самарали иш олиб борганидан далолат беради. Қатағоннинг аччиқ қисмати А.Н.Самойловичга бир қанча хайрли ишларни, илмий нашрларини амалга оширишга имкон бермади.

А.Н.Самойловичнинг илмий фаолияти асосан XI–XIX аср туркий қўлэмаларни ўрганиш билан боғлиқ. Олим рус шарқшунослигида биринчилардан бўлиб туркий қўлэзма манбалар асосида ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичларини белгилаб берган ва бу масалага қатор мақолалар бағишлаган. А.Н.Самойлович ўзбек адабиётидаги лирик тур ва унинг жанрлар бўйича ҳам анчагина изланишлар олиб борган илк тадқиқотчилардандир. Жумладан, «Муҳаббатнома», «Шайбонийнома», «Рубобнома», «Меърожнома», «Ғарибнома» ва «Хоразмнома»га бағишланган тадқиқотлар олимнинг нома жанри ҳақидаги чуқур эрудициясидан, матн изоҳлашдаги қобилиятидан дарак беради.

## **ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ**

XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқини маданий-адабий, тарихий-ижтимоий жараёнлар билан боғлиқликда қиёсий жиҳатдан очиб бериш ва рус олимларининг адабий-эстетик қарашларини объектив баҳолашдан иборат.

## **ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

XX аср давомида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича нашр қилинган илмий манбаларнинг хронологик библиографик кўрсаткичини ишлаб чиқиш;

рус адабиётшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланиш босқичларини маданиятлараро мулоқот ва рецепция ракурсида очиб бериш;

XX асрда яратилган тадқиқотлар типологияси ва спецификасини таҳлил қилиш;

Россия фондларидаги мавзуга оид архив манбаларини таржима ва талқин қилиш, илмий доирага киритиш.

## **НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР**

Туюқ жанрининг рус адабиётшунослигида ўрганилишини ҳам А.Н.Самойлович бошлаб берган. Унинг Саид Аҳмад, Навоий, Лутфий, Амирий ва Оқил туюқларининг таҳлилига бағишланган мақолалари филологик тадқиқотлар доирасида алоҳида илмий қиммат касб этади.

Бобур ижоди, «Бобурнома»нинг ўрганилиши ҳам бевосита А.Н.Самойловичнинг илмий фаолияти билан боғланади. Бу борада олимнинг бир қанча илмий изланишлари мавжуд бўлиб, улар бобуршуносликнинг ёрқин

саҳифалари сифатида тан олинган.

Шарқшунос П.М.Мелиоранский тайёрлаган, аммо нашр қилишга улгурмаган Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари А.Н.Самойлович саъй-ҳаракати билан юзага чиқади. 1908 йили олим асарни сўзбоши ва асар ҳақидаги ноёб маълумотлар акс этган кириш қисми билан нашр қилдиради. Бундан ташқари, Хоразмда илмий сафарда бўлган чоғида, А.Н.Самойлович хоннинг шахсий кутубхонасидан Биноийнинг Шайбонийхон ҳақидаги форсий асарини олиб ўрганади. 1909 йил бу ҳақдаги мақоласини эълон қилади.

А.Н.Самойлович XIX–XX аср боши Хоразм илмий-адабий-маърифий муҳити ҳақида ҳам илк бор илмий иш олиб борган олимлардан биридир. Хива хони Ферузнинг илтифоти билан унинг шахсий кутубхоналаридан фойдаланиш имконига эга бўлган А.Н.Самойлович Мунис, Феруз, Огаҳий, Равнак, Рожий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Холис, Мирзо, Баёний каби Хоразм адабий муҳити вакиллари ижоди ҳақида ноёб маълумотларни ёзиб қолдирган. Шунингдек, фан тарихида биринчи марта Хон кутубхонасидаги қўлёзмаларнинг тавсифини тузган.

Хуллас, академик А.Н.Самойлович Шарқ адабиётига алоҳида меҳр билан қараган ва туркий адабиёт бўйича қўлёзма манбалар асосида иш олиб борган рус олимларидан биридир. Ўзбек тили ва адабиёти, этнографияси ва халқ оғзаки ижодининг ўрганилишида олимнинг алоҳида ўрни бор. Э.Фозилов Ж.Юсупов, Ш.Турдиев, Б.Қосимов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида А.Н.Самойловичнинг халқ оғзаки ижоди, Туркистондаги янги ижтимоий-сиёсий, маданий уйғониш даври билан боғлиқ қарашлари, ҳаётидаги баъзи лавҳалар қисман ўрганилган. Рус олимларидан В.Д.Аракин, Ф.Д.Ашнин изланишларида А.Н.Самойловичнинг ижодий биографиясига умумий тавсиф берилган ҳамда тилшуносликка оид илмий асарларига аҳамият қаратилган. Айрим тадқиқотларда А.Н.Самойловичнинг туркман тили ва адабиётига доир қарашлари, Қозоғистондаги фаолияти ўрганилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда олим фаолиятининг **ўзбек мумтоз адабиёти** билан боғлиқ қирралари, унинг бу борада нашр қилинган ва адабий жамоатчиликка номаълум илмий асарлари, уларнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни, айниқса, эпистоляр мероси, махсус ўрганилмаган ҳамда илмий-назарий баҳосини олмаган<sup>1</sup>.

Академик А.Н.Самойловичнинг эпистоляр мероси Россиянинг турли фондларида сақланади. Биз архивларда кузатган 256та хат намуналари орасида олимнинг В.В.Бартольд (89та) ва И.Ю.Крачковский (26та) билан ёзишмалари кўпчиликни ташкил қилади. Рус адабиётшунослигида олимнинг эпистоляр мероси муайян даражада ўрганилган, нашр қилинган [Благова Г.Ф., 2008; 590], аммо ўзбек мумтоз адабиёти билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилмаган. Бу ўринда

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: <https://kitobxon.com/ru/yozuvchi/gulnoz-hallieva>

масаланинг айнан шу томонига эътибор қаратилди ва адабиётимизнинг тадқиқи акс этган муҳим жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилинди.

Бошқа рус олимларидан фарқли равишда А.Н.Самойлович маҳаллий зиёлилар билан кўпроқ мулоқотда бўлган ва шу орқали ўзбек тили ва адабиётини яхши ўрганган; ўзбек халқига ниҳоятда ҳурмат ва эътибор билан қараган. «*Мен учун Шарқда бўлиш, Васильев оролида ( Санкт-Петербург ) бўлишдан кўра муҳимроқ . Мен – Мажнун, Туркистон–Лайли, Тошкент эса ёр зулфидаги энг бебаҳо гавҳар. Табиатимда мусулмонларга қандайдир яқинлик бор ва мен улар билан тез чиқиша оламан*» [Баскаков Н.А., 1973; 90], – деб ёзган А.Н Самойлович магистр пайтидаёқ илмий ижод йўлини Ўрта Осиё билан боғлайди.

**Хоразм** аҳлининг маданияти, илмга чанқоқлиги, салоҳияти ҳақида рус олимлари, саёҳатчилари ва ҳарбийлар томонидан жуда илиқ фикрлар билдирилган. А.Н.Самойлович бу борада Н.П.Остроумовга ёзган хатида: «*Биз ноқобил мустамлакачилар тараққий қилган мусулмонларга маърифат беришга ҳақли эмасмиз, Хивада бунни жуда яхши билишади, мен у ерда ҳавас қилгудек иқтидорларни кўриб шунга амин бўлдим*»,–дея фикр билдиради (*Мы должно быть безнадежно негодные колонизаторы и не нам просвещать мусульман. В Хиве это прекрасно понимают и там пользуются другими просветителями, таланты которых, как я убедился, достойны зависти*) [Центральный архив РУз. Ф.1009.]. Бизнингча, А.Н.Самойлович мазкур хулосасини айнан миссионерлик руҳида тарбияланган ва шу асосда фаолият юритган Н.Остроумовга бежиз етказмаган. Эҳтимол, унинг бу каби дадил қарашлари қатағон қурбони бўлишига ҳам сабаб бўлгандир.

И.Ю.Крачковский А.Н.Самойловичга ёзган мактубида Н.Остроумовнинг иқтидорга эгаллигини қайд қилар экан, унинг илми сиёсий мақсадларга хизмат қилаётганидан афеусланади. (*...Жаль, что его наука служит другим целям*) [Письмо А.Н.Самойловичу, 209].

1909 йилда В.Бартольд А.Н.Самойловичнинг нашр этилажак «Хоразмномадан икки парча» мақоласи таҳририга доир мулоҳазалар битилган хат юборди. Унда таржимадаги айрим ўринларни тузатиш масаласи ёритилади. «*Дорогой Александр Николаевич. Посылаю Вам корректуру, которую прошу после пересмотра переслать в типографию. Два пункта в Ваших переводах внушают мне некоторые сомнения:*

1) *Хорошо ли Вы сделали, что на странице 080. перед словом розы, пропустили слова красные. Правда гул значит не только роза; но едва ли автор поставив перед гул слова кырмызи имел в виду не витиеватый (цветистый) эпитет, а только отличительный признак розы от других цветов. Не лучше ли оставить «красные» или «алые».*

2) *Уверены ли Вы, что в 3-м четверостишии 2 отрывка речь идет о хане и наследнике. Не надо ли перевести «Кроме Бога никому не служивший, стал*

*рабом твой хан, твой государь Хорезм»* [Письмо А.Н.Самойловичу, 782].

Нашр жараёнида А.Н.Самойлович таржимада гул билан боғлиқ ўринни тузатади, аммо тўра сўзини хато равишда яна аввалги ҳолатда, яъни валиаҳд шаклида қолдиради.

*Бўстонда очилиб қирмизи гуллар  
В цветниках свешивались алые розы*

*Банда бўлди хонинг, тўранг Хоразм  
Слугами стали хан твой и наследник, Хорезм* [Самойлович А.Н., 1909; 080, 082].

Юқоридаги мактуб мазмунидан шу нарса маълум бўлдики, В.Бартольд А.Н.Самойлович билан ёзишмаларида матн билан боғлиқ жиҳатларга ҳам жиддий эътибор берган.

Сана кўрсатилмаган яна бир номасида В.В.Бартольд олимнинг илтимосига биноан Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» асари нашри билан боғлиқ масалага ойдинлик киритади. «...насчет Суфи Алляра узнал, что его «Сабат ал-аджизин» было издано в Казани Казембеком - по Дорну в 1845, по Григорьеву в 1847 с предисловием и с примечаниями (постараюсь его достать в Азиатском музее) [Письмо А.Н.Самойловичу., 782].

Хатларнинг бирида А.Н.Самойлович нашрга тайёрлаган Бобур девони ва унинг матн ўқиш малакаси тўғрисида В.В. Бартольднинг куйидаги мулоҳазаларини кузатамиз: «...листаю Диван Бабур, особенно мне понравились стихи об Индии, стихи о чаше и раскаяние. Забираться глубже не смею, тем более что Вы ограничиваетесь точным воспроизведением рукописи, не ставя даже ташидов и исправляя только явные опуски, и то с оговоркой в примечаниях» [Письмо А.Н.Самойловичу., 782].

Маълумки, В.В.Бартольд 1908-1912 йиллар давомида «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахбороти» («Записки восточного отделения Русского археологического общества») журналининг бош муҳаррири лавозимида фаолият юритган. А.Н.Самойлович В.В.Бартольдга ёзган мактубларидан бирида журналнинг 1917 йилги сониди чоп қилинган Н.Н.Мартиновичнинг Румий ва Султон Валад шеърлари тўпламига оид мақоласини [Мартинович Н.Н., 1917; 45-62] аёвсиз танқид қилади. Унга яқин дўст ва шогирд сифатида бундай камчиликлар нашрнинг обрўсига путур етказиши мумкинлигини қайд қилади, ўрни билан лирик чекиниш қилиб, Бобур мисрасидан мисол келтиради: « ... и на сей раз делюсь с Вами мыслями по поводу последнего тома Записок. Как и следовало ожидать, напечатанная работа Мартиновича кишит недоразумениями. Автор прав: « ...как издание текста, так и перевод, оставляет желать

лучшего», но виновен в этом не столько «непонимающий» переписчик, сколько увы! «непонимающий» издатель – автор. Я в конце концов мирюсь, памятуя слова Бабура «Кто видал на этом свете добро, чтобы ожидать добра!», но я не хочу мириться с тем, что не находят должной защиты:

1) научная репутация Записок,

2) память моего учителя Мелиоранского, к ученикам которого причислен и Мартинович» [Письмо В.В.Бартольд, 68].

Тахдилимиздаги кейинги нома бизга чет элда А.Н.Самойловичнинг мақолалари доимий чоп этилиб турилгани, уларнинг нашри ва таҳририда европалик олим Т.Менцельнинг алоҳида ўрни бўлгани ҳақидаги муҳим маълумотни беради. Жумладан, В.Бартольд ўз мактубида Т.Менцель унга Прагада чиқадиган «Orientalni» ва Берлиндаги «Der Islam» журналларини юборганини маълум қилади [Письмо А.Н.Самойловичу., 782].

Баъзи ёзишмалардан рус ва турк олимларининг илмий алоқалари, ҳамкорликда иш олиб борганини билиб олиш мумкин. В.В.Бартольднинг А.Н.Самойловичга 1927 йил 28 августда ёзган номасидан маълум бўлишича, Купрулузода унга иккита мақоласини юборган. Туёқларга бағишланган иккинчи мақоласида А.Н.Самойловични кўп тилга олади. Демак, бу бизга турк олимнинг А.Н.Самойлович мақолаларидан хабардор бўлган дейишга асос беради. «Кёпрюлюзаде прислал мне оттиски из двух номеров типа «Туркият мажмуаси» и «Туюк», во второй статье несколько раз упоминается Вы» [Письмо А.Н.Самойловичу., 782].

А.Н.Самойловичнинг И.Ю.Крачковский билан илмий ёзишмалари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу номалар ичида олимнинг Тошкент ва Тифлистан ёзган хатлари диққатга лойиқ. Жумладан, А.Н.Самойловичнинг 1916 йил 14 июндаги Тошкентдан Петербургга ёзилган номасида 3 та муҳим маълумотни оламиз: **Биринчидан**, у Мажнун, Туркистон олим учун Лайли, Тошкент эса ёр зулфининг ёрқин олмоси эканлиги. **Иккинчидан**, кузатиш, қиёслаш ва мулоҳаза юритишга Туркистон шарқшунос учун бой манба бўла олиши, **учинчидан** «Хрестоматия» нашри бўйича ишларнинг давом қилаётгани. «...я Меджнун, а Лейла – Туркестан, а Ташкент крупнейший, лучезарный брильянт в локонах красавицы. Счастье – в безумье. Востоковеду богатая почва для наблюдений, сравнений и размышления. Налаживаю издание хрестоматии» [Письмо И.Ю.Крачковскому., 1026].

Олимнинг И.Ю.Крачковскийга Тифлистан жўнатган хатида Туркистонга сафар унутли бўлгани, аммо Кавказ сафари ҳайрон қолдирмагани, бу ерда у «Мажнун» бўлолмагани ҳақида ўқиймиз. «Туркестанская командировка закончена успешно. Тифлис не поразил и не очаровал. Здесь я не Меджнун» [Письмо И.Ю.Крачковскому., 1026].

А.Н.Самойлович архиви кузатилганида, унинг ҳақиқатдан туркий адабий

манбалар бўйича **хрестоматия** – дарслик яратишни мақсад қилгани, дастлабки режани тузгани ва бир неча жилдда материал йиққани маълум бўлди. Бу дарслик «Ўрта Осий туркий адабиёти ва адабий тили тарихи хрестоматияси» деб номланган. Олим унда XI асрдан тортиб XX аср бошигача ижод қилган шоирлар меросини ёритишни режалаштирган .

А.Н.Самойловичнинг турколог олим Н.И.Ашмаринга ёзган мактубида (1925 йил, 2 февраль ) *Хрестоматияни тайёрлашда давом қилаётгани, «Қутадғу билиг» устида ишлаётгани ҳақида ўқиймиз: «Хрестоматию продолжаю подготавливать, сию над «Қутадғу билик». Одновременно с письмом Вам отправляю письмо Пепинову по поводу этой самой хрестоматии и сошлюсь на Ваше заявление мне о существующей потребности в подобном пособии»* [4]. Шу йили олимнинг В.В.Бартольд-га юборган номасида (1925 йил, 25 ноябрь) Тошкентга «Қутадғу билиг» асарининг қўлёзма нусхаси келтирилгани, унинг бу манбани тезроқ кўриши кераклиги ва бу ҳақдаги изоҳларни **хрестоматияга** киритиши зарурлиги маълум қилинади [Письмо В.В.Бартольду, 68].

Фитрат Москвада А.Н.Самойлович билан учрашганида олимнинг «Қутадғу билиг» асарини нашрга тайёрлаганини билади ва бу борада ўз таклифини шундай баён қилади: *«Русиянинг машҳур туркишуносларидан профессор Самойлович Москвада мен билан кўришганида «Девону луготит турк»дан фойдаланиб, «Қутадғу билиг»нинг янги бир босмасини (табъини) тайёрлаганини билдирган эди. Шуни бизнинг қўлимиздаги нусха билан солиштиргандан сўнг бостирса эди, профессор жанобларининг бу илмий хизматининг баҳоси жуда ортқон бўлар эрди»* [Сирожиддинов Ш., Умарова С., 2015; 57]. Демак, А.Н.Самойлович Фитрат билан бўлган суҳбатдан кейингина Тошкентда «Қутадғу билиг» асарининг қўлёзма нусхаси мавжудлигидан хабар топган ва В.В.Бартольдга ёзган хатида (1925 й) бунни эслатиб ўтган .

Демак, олим тахминан 1915-16 йиллари **хрестоматияни** тузишга киришган, 1938 йилгача (олим катағон қилинган йил) эҳтимол ишни якунлаган ҳамдир. Аммо биз кузатган архивларда ҳозирча бу манба тўлиқ ҳолда топилмади. Балки сиёсий катағон сабаб олимнинг мол-мулки мусодара қилинганда бу ноёб манба йўқотилган бўлиши ҳам мумкин.

Олимнинг архивида унга поляк олими А.Зайончковскийнинг 1929 йил 7 сентябрда ёзилган мактуби ҳам сақланади. Хат мазмунидан маълум бўлишича, олим А.Н.Самойлович билан доимий мулоқотда бўлиб, ундан илмий кўрсатмалар олиб турган. Бунинг хотима қисмидан билиш мумкин. (*Признательный за научные указания, сердечно преданный и почитающий Вас...* [Письма А.Н.Самойловичу., 202]) Мактубда А.Зайончковскийнинг докторлик ишини ҳимоя қилгани, Польша туркологлари олиб бораётган илмий ишлар ва нашр қилинаётган илмий журналлар ҳақида хабар қилинган.

А.Зайончковский (1903–1970) А.Н.Самойловичнинг “Хисрав ва Ши-



рин” асари туркий таржимасига оид илмий изланишларини давом қилдирган [Zajaczkowski A., 1961]. Г.Ф.Благованинг маълумот беришича, ҳар икки олим 1936 йилда Истанбулда, Турк тили курултойида учрашган ва бирин-кетин маъруза қилган [Благова Г.Ф., 2008; 86].

А.Н.Самойловичнинг Москва туркология мактабининг йирик вакили В.А.Гордлевскийга ёзган хатларидан олим архивининг ниҳоятда бойлиги ҳақида билиб олиш мумкин. Жумладан, олим 1931 йил 30 октябрдаги хатида тугалланган ва тугалланмаган қўлёзма ишларининг йиғилиб қолганлиги, кейинги пайтларда уларни нашр қилишга вақт топа олмаётганлиги ҳақида ёзади. Мактубларидан яна бирида (1931) А.Н.Самойлович Санкт-Петербургдаги шарқшунослик энди ўзининг янги босқичига кўтарилгани, институтда жонли илмий фаолият олиб борилаётганлиги ҳақида хабар қилади (*«...в Ленинграде растут и крепнут новые силы по нашей общей специальности, с новой методологией и новыми установками и подходами. Не знаю, как у Вас, а у нас востоковедная жизнь становится с каждым годом интереснее и привлекательнее. Новое востоковедение, живое и широкое – уже не мечта, а факт, правда, еще в начале своего развития. Чувствую себя не стариком, а студентом или аспирантом, – что может быть счастливее такого самочувствия!»*) [Баскаков Н.А., 1973; 91].

## ХУЛОСА

Хуллас, эпистоляр манбалар<sup>1</sup> XX аср рус шарқшунослигидаги илм аҳлига деярли маълум бўлмаган янгиликларни юзага чиқариши билан бирга, рус-ўзбек маданий-адабий алоқалари тарихида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Келажакда мактубларни тўлиқ таржима қилиш, алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, фанни янада янги маълумотлар билан бойитади.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Blagova G.F. Aleksandr Nikolayevich Samoylovich. Nauchnaya perepiska. Biografiya. –M.: Vostochnaya literatura, 2008. –590 s.
2. Baskakov N.A. A.N.Samoylovich v pismax k B.A.Gordlevskomu // Sovetskaya tyurkologiya, 1973. –№5. –S.84–92.
3. Martinovich N.N. Noviy sbornik stixov Djelal ad Dina Rumi i Sultana Veleda // ZVORAO. –SPB., 1917. T.XXIV. Vir.1-4. –S.45-62.
4. Nauchnyy arxiv Chuvashskogo gosudarstvennogo instituta gumanitarnix nauk. Otd 4.
5. Pismo A.N.Samoylovichu. –Peterburgskiy filial Arxiva RAN. F.782
6. Pismo A.N.Samoylovichu. –RNB., F. 671, yed.xr. 209.
7. Pisma A.N.Samoylovichu. –RNB., F. 671, yed.xr. 202
8. Pismo V.V.Bartoldu. –Peterburgskiy filial Arxiva RAN. –F.68
9. Pismo I.Yu.Krachkovskomu. –Peterburgskiy filial Arxiva RAN. F.1026.
10. Samoylovich A.N. Dva otrivka iz Xorezm-name // ZVORAO. –SPb., 1909. Vip.1. –S.078–083.
11. Sirojiddinov Sh., Umarova S. O‘zbek matnshunosligi qirralari. T.:Akademnashr, 2015.–122 b.
12. Zajaczkowski A. Studia nad stylisty i poetyka turckiej wersi Husrav i Sirin Qutba // Rocznik

<sup>1</sup> Изох: айримларини иловада келтирганмиз.

Orientalistyczny. Lwow- Krakow 1961. T. XXV

13. Sentralniy arxiv RUz. F.1009.

## REFERENCES

1. Blagova G.F. Alexander Nikolaevich Samoilovich. Scientific correspondence. Biography. –M.: Eastern literature, 2008. – 590 p.
2. Baskakov N.A. A.N.Samoylovich in letters to B.A. Gordlevsky // Soviet Turkology studies, 1973. –№5. –P.84–92.
3. Martinovich N.N. New collection of poems by Jelal ad Dina Rumi and Sultan Weleda // ZVORAO- SPB., 1917. T.XXIV. Issue 1-4. –P.45-62.
4. Scientific archive of the Chuvash State Institute of Humanities. Dep. 4
5. Letter to A.N. Samoylovich. –Petersburg Branch of the Archives of the Russian Academy of Sciences. Ф.782
6. Letter to A.N. Samoylovich. – RNB., F. 671, s. 209.
7. Letters to A.N.Samoyilovich. – RNB., F. 671, s. 202
8. Letter to V.V. Bartold. – Petersburg Branch of the Archives of the Russian Academy of Sciences. –F.68
9. Letter to I.Yu.Krachkovsky. - Petersburg Branch of the Archive of the Russian Academy of Sciences. F.1026.
10. Samoilovich A.N. Two excerpts from Khorezm-name // ZVORAO. –Saint Petersburg., 1909. Issue 1. –C.078-083.
11. Sirojiddinov Sh.,Umarova S. The aspects of the Uzbek textwriting. T.:Academician pub, 2015.-122 p.
12. Zajaczkowski A. Studies on the stylist and poetics of the Turkish version of Husrav and Sirin Qutba // Orientalist Yearbook. Lviv – Krakow 1961. T. XXV
13. Central archive of the Republic of Uzbekistan. F.1009.

*Илова*

## ЭПИСТОЛЯР МАНБАЛАРДАН НАМУНАЛАР<sup>1</sup>

*А.Н.Самойлович – И.Ю.Крачковскому*

«Дорогой Игнатий Юлианович. Я – Меджнун, а Лейля – Туркестан Туркестан Лейля, а Ташкент крупнейший, лучезарный бриллиант в локонах красавицы. Счастье - в безумье. Востоковеду богатая почва для наблюдений, сравнений и размышления. Налаживаю издание хрестоматии».

«Туркестанская командировка закончена успешно. Тифлис не поразил и не очаровал. Здесь я не Меджнун».

*А.Н.Самойлович– Н.П.Остроумову*

Мы должно быть безнадежно негодные колонизаторы и не нам просвещать мусульман. В Хиве это прекрасно понимают и там пользуются другими просветителями, таланты которых, как я, убедился достойны зависти.

*В.В.Бартольд –А.Н.Самойловичу*

«Дорогой Александр Николаевич. Посылаю Вам корректуру, которую прошу после пересмотра переслать в типографию. Два пункта в Ваших переводах внушают мне некоторые со-

<sup>1</sup> Намуналар барчаси архив материаллари саналади.

мнения:

1) Хорошо ли Вы сделали, что на странице 080. перед словом розы, пропустили слова красные. Правда гул значит не только роза; но едва ли автор поставив перед гул слова кырмызи имел в виду не витиеватый эпитет, а только отличительный признак розы от других цветов. Не лучше ли оставить «красные» или «алые».

2) Уверены ли Вы, что в 3-м четверостишии 2 отрывка речь идет о хане и наследнике. Не надо ли перевести «Кроме Бога никому не служивший, стал рабом твой хан, твой государь Хорезм».

***В.В.Бартольд – А.Н.Самойловичу***

«... насчет Суфи Алляра узнал, что его «Сабат ал-аджизин» было издано в Казани Казембеком - по Дорну в 1845, по Григорьеву в 1847 с предисловием и с примечаниями (постараюсь его достать в Азиатском музее).

***В.В.Бартольд – А.Н.Самойловичу***

«...листаю Диван Бабура, особенно мне понравились стихи об Индии, стихи о чаше и раскаяние. Забираться глубже не смею, тем более что Вы ограничиваетесь точным воспроизведением рукописи, не ставя даже ташдидов и исправляя только явные описки, и то с оговоркой в примечаниях».

***А.Н.Самойлович – В.В.Бартольду***

« ... и на сей раз делюсь с Вами мыслями по поводу последнего тома Записок. Как и следовало ожидать, напечатанная работа Мартиновича кишит недоразумениями. Автор прав: « ... как издание текста, так и перевод, оставляет желать лучшего», но виновен в этом не столько «непонимавший» переписчик, сколько – увы! «непонимавший» издатель-автор. Я в конце концов мирюсь, памятью слова Бабура «Кто видал на этом свете добро, чтобы ожидать добра!», но я не хочу мириться с тем, что не находят должной защиты:

- 1) научная репутация Записок,
- 2) память моего учителя Мелиоранского, к ученикам которого причислен и Мартинович».

***В.В.Бартольд – А.Н.Самойловичу***

«...Кёпрюзюаде прислал мне оттиски из двух номеров типа «Туркият мажмуаси» и «Туюк», во второй статье несколько раз упоминается Вы».

***А.Н.Самойлович – Н.И.Ашмарину***

«...Хрестоматию продолжаю готовить, сижу над «Кутадгу билик». Одновременно с письмом Вам отправляю письмо Пепинову по поводу этой самой хрестоматии и сошлюсь на Ваше заявление мне о существующей потребности в подобном пособии».

***А.А.Семенов – А.Н.Самойловичу***

«Многоуважаемый Александр Николаевич! В бытность мою в 1919 г. у Вас в доме Вы спросили меня в разговоре, есть ли у меня «Шейбани-наме», на мой отрицательный ответ Вы выразили готовность наделить меня этим томом. Но я часто тогда разъезжал по делам Университета и лишнего избегал с собою брать. Теперь приходится очень об этом пожалеть. Обращаюсь к Вам с усердной просьбой, не можете ли Вы прислать мне Шейбани – наме».

***А.Зайончковский – А.Н.Самойловичу***

«Высокопочтимый профессор Александр Николаевич! Глубоко признателен Вам за весь-

ма ценное письмо Бесконечно виноват, что долго откладывал ответ, но оправданием мне пусть служит то обстоятельство, что в конце прошлого учебного года я представил докторскую диссертацию. Признательный за научные указания, сердечно преданный и почитающий Вас Анаджан Зайончковский.

P.S Прошу прощения за свой русский язык, ибо мне научившемуся самоучкой, очень трудно сохранить чистоту русского языка.

***А.Э.Шмидт – А.Н.Самойловичу***

«Дорогой Александр Николаевич. Смерть П.А.Фалёва (1922) явилась страшным ударом для туркестанского восточного института. Здесь нет никого, кто мог бы заменить его, и нет никакой возможности научно поставить преподавание туркологии. Очень прошу Вас прийти к нам на помощь в нашем затруднительном положении, ибо в ближайшее время придется ограничиться чисто практическими занятиями.

Ваш А.Э.Шмидт»

***К.К.Юдахин – А.Н.Самойловичу***

«Глубокоуважаемый Александр Николаевич, для краткости разрешите мне изъясниться по пунктам.

1. Шмидт работу по словарю начал, надеется часть карточек представить.
2. Гаврилов предполагает приступить осенью.
3. Демезон имеется в Ташкентской публичной библиотеке в двух экземплярах.
4. Я выкупил и выслал Институту все узбекские и киргизские словники.
5. Киргизский академический центр пригласил Зитаевича для записи песен.

Ваш К.Юдахин

***С.Е.Малов – А.Н.Самойловичу***

«... На днях у меня будут напечатаны 2-3 рецензии на местные ориентальные издания: как только получу их, вышлю Вам. От Вас всё давно уже жду грамматику Ракета (из моей библиотеки) и Ваше издание стихов Бабура».

***А.Н.Самойлович – С.Е.Малову***

«Дорогой Сергей Ефимович! Итак, Вы снова наш Питерский. От души поздравляю. Мы хотели сделать Вас сразу профессором. Если у Вас имеется материал, хотя бы рукописный, для защиты диссертации, то вскоре можно будет традицию соблюсти. Питерские востоковеды работают вовсю и на поприще науки, и на поприще преподавания. Когда думаете переселиться. Всех благ».